

3. З.Ш Ходжаева, И.И Сабитова. Лира-Визор дастури асосида Сомоний мақбараси статик ва динимик кучлар таъсирига ҳисоблаш.- GOLDEN BRAIN, 2023. – Т. 1. – № 20, С. 85-91

УДК 725.945

СОМОНИЙ МАҚБАРАСИНИ ТЕХНИК ҲОЛАТИНИ ЎРГАНИШ ВА КОМПЬЮТЕР ДАСТУРИ АСОСИДА МОДЕЛ ЯРАТИШ ВА ҲИСОБЛАШ

Ходжаева Зулфия Шухратовна (ТАҚУ)

Усманходжаева Лола Асадовна (ТАҚУ)

АННОТАЦИЯ. Уибу мақолада Сомоний мақбарасининг техник ҳолати таҳлил қилиши масаласига багишланган. Компьютер дастури асосида Сомоний мақбараси статик ва динамик юклар таъсири кўриб чиқилган ва изолиниялар хосил ва ҳолосалар келтирилган.

АННОТАЦИЯ. Данная статья посвящена анализу технического состояния мавзолея Сомони. На основе компьютерной программы рассмотрено воздействие статических и динамических нагрузок на мавзолей Сомони, получены изолинии и представлены выводы о перемещениях.

ANNOTATION. This article is devoted to the analysis of the technical condition of the Somoni mausoleum. Based on the computer program, the effects of static and dynamic loads on the Somony Mausoleum were considered, and isolines were derived and conclusions were presented.

Калим сўз ва иборалар: меъморий обида, Сомоний мақбараси, обиданинг техник ҳолатини текшириш, статик ва динамик юклар таъсири, реконструкция қилиши, сақлаши, кўчии изолиниялари

Ключевые слова и словосочетания: мемориальный памятник, мавзолей Сомони, обследование технического состояния памятника, воздействие статических и динамических нагрузок, реконструкция, консервация, изолинии перемеўений.

Key words and word combinations: memorial monument, Somoni's mausoleum, inspection of the technical condition of the monument, static and dynamic load effects, reconstruction, preservation, migration isolines

Юртимиз мустақиллиги аждодларимиздан қолган маъданий меросларни, тарихий ёдгорликларни қайта тиклаш ва таъмиrlаш, муқаддас қадамжоларни техник ҳолатини таҳлил қилиш ва уларни консерватциялаш учун қулай шароитлар яратилди. Тарихий, маданий ва маънавий меъросимизни ўрганиш, авайлаб-асраш келгуси авлодларга етказишнинг хуқуқий асослари яратилди. Мамлакатимиз ҳудудида жойланган меъморий обидалар, дунё цивилизациясида катта ўрин тутган. Ушбу объектлар асрлар давомида таркиб топган тарихий шаҳарларни, минглаб меъморий ва тарихий ёдгорликларни ўз даврининг маданияти, илм даражасини белгилайди. Республикамиз ҳудудида икки мингдан ортиқ меъморчилик обидаларини, уч мингдан ортиқ археологик обидаларни, мингга яқин монументал санъат ёдгорликларини ўрганиш, уларни паспортларини яратиш, таъмиrlаш, консервация қилиш, келажак авлодларга етказишга йўналтирилган чора-тадбирлар амалга ошиrimoқда ва бу соҳада самарали ишлар олиб борилмоқда. Ушбу мақола - меморий обида Сомоний мақбарасини техник ҳолатини ўрганиш ва компьютер дастури асосида модел яратиш ва уни статик ва динамик юкларга синаш ва техник ҳолатини баҳолашдан иборат.

Обидаларни сақлаш ва таъмиrlаш масалаларига эътибор бутун жаҳон эътирофида. Бухоро шаҳридаги маданий меърос объектларни техник ҳолатини баҳолаш ва уларни реставратция, консервация ва реконструкция қилиш тарихи бўйича олинган натижалардан Марказий Осиё ҳудудларида жойлашган меъморий обидаларга тадбиқ қилиш мухим вазифалардан бири. Ҳозирги кунда тарихий меъморий обидаларни асрар қолиш умуминсоний муаммо сифатида қаралмоқда.

Ушбу мақолада Сомоний мақбараси меморий обиданинг техник ҳолатини тадқиқ этиш. Меъморий обиданинг кучланиш-деформатцияланиш ҳолатини ўрганиш. Уларни

динамик, статик юклар тасирига ҳисоблаш. Натижаларни таҳлил қилиш ва тавсиялар беришдан иборат. Сомоний мақбараснинг 3Д модели яратилган. Акселограммалардан фойдаланган холда ҳисоб ишлари бажарилган. Сомоний мақбарасини компьютер дастурида динамик, статик юклар тасирига ҳисобланган.


Меъморий обиданинг ғишт ва қоришмаларининг механик ва мустаҳкамлик кўрсаткичлари Гражданкина Н.С. ва бир қанча олимлар ўзининг ишларида тўлиқ келтирилган [1].

Пишиқ ғиштларни тайёрлаш жараёни кўп вақтни ва меҳнатни талаб қилган. Улар асосан лойни бир хил шаклга келтириш, қўл меҳнати талаб қилганлиги ҳамда юқори мустаҳкамликда олишда таркибининг мураккаблиги ва тайёрлаш жарайининг мураккаблиги ҳисобланган. Ҳозирги кунгача ҳам мусулмон ғиштларнинг таркиби ва тайрлаш технологияси тўлиқ ўрганилмаган. IX-X асрларда бунёд этилган архитектура ёдгорликларида керамик квадрат шаклга эга бўлган мусулмон ғиштлар массив деворларни тиклашда қўлланилган бўлиб, унинг ўлчами 23 x 23 x 3 см; 12 x 12 x 3 см; 60 x 63 x 6,5 см ташкил этади. Ундан ташқари X-XII асрларда 21 x 21 x 2,5 см ва 24 x 24 x 4 см ўлчамга эга бўлган ғиштлар қўлланилган. IX – X асрларда томонининг ўлчамлари 24 ÷ 28 см бўлган ҳамда қалинлиги 4,5, 5 ÷ 7 см лик ғиштлар ишлатилган. Тадқиқотлар натижасида ғоваклигига боғлиқ равишда массив девор керамик ғиштларнинг сув қабул қилиш кўрсаткичи 18 дан 30 % гача ташкил этган. Ғиштларнинг сиқилишдаги мустаҳкамлик кўрсаткичи 50-300 кг/см² (5-30 МПа) ташкил қилган. Ғиштларнинг совуққа чидамлилиги 50 циклдан баландни ташкил этган. Архитектура ёдгорликларида қўлланилган керамик ғиштларнинг физик-механик кўрсаткичлари мустаҳкамлик бўйича 8,0 ÷ 11,5 МПа га мос келади [2]. Курилиш қоришмасининг сиқилишдаги мустаҳкамлиги 2,0 ÷ 6,0 МПа ташкил этади. Ғиштларнинг қоришмас билан илашишдаги ўртacha мустаҳкамлиги 0,05 ÷ 0,15 МПа ни ташкил этади.



Самонийлар мақбараси конструкцияларида турли йилларда тиклаш ишлари олиб борилган бўлиб, ҳозирги кунда тўлиқ ўз ҳолатига тикланган. Республикализнинг аксарият ер майдони сейсмик фаол ҳудудда жойлашган бўлиб, сўнгги йилларда статистик маълумотларга таҳлили шуни кўрсатадики ер юзида сейсмик фаоллик сезиларли даражада кучайган. Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда, мақбара иншоотида кутилиши мумкин бўлган сейсмик таъсирларга ҳисоблаш ва шикастланишларни олдиндан аниқлаш ҳамда сейсмик мустаҳкамлигини мавжуд сонли усуллар ёрдамида тадқиқ қилиш ҳамда сейсмик мустаҳкамлигини баҳолаш долзарб масалалардан ҳисобланади [3].


Ҳисоб ишлари чекли элементлар усули ёрдамида Лира дастури пакетида реал акселерограммалар таъсирга ҳисоблаш орқали амалга оширилиб, конструкциялардаги деформатсия-кучланганлик ҳолати аниқланди [4]. Ҳисоб давомида мақбара конструкцияларида ғиштли конструкцияларни илашиши бўйича категориясига асосан баҳолаш мақсадида уч ўлчамли ҳисобий модели моделластирилиб реал акселерограммалар таъсирида деформатсия-кучланганлик ҳолатлари аниқланган ҳамда ўзаро қийматлари солиштирилган.

Мақбара иншоотининг ён томон, тепадан ҳамда уч ўлчамли қўриниши қуйида келтирилган (1,4- расмлар).




1-расм. Мақбара ишооти ҳисобий моделининг ён ва тепа томондан күриниши






2-расм. “Жесткости элементов” мулоқот ойнасига ҳамда элементларнинг ўлчамлари хақидаги мулоқот ойнасига киритилган маълумотлар


Сомоний мақбараси конструкциялари чекли элементлар усули ёрдамида Лири дастури ёрдамида ҳисобланишида Бухоро шахри учун микросейсмик таъсиirlарда худуднинг мұхандислик-сейсмологик ўлчовлар натижасида 50 йилда рўй бериши мумкин бўлган сейсмик таъсиirlарга акселерограмма кўринишида ҳисобланган ҳамда ғиштли конструксияларнинг деформатсия-кучланганлик ҳолати тадқиқ қилинган. Бу акселерограмманинг давомийлиги 10,06 с бўлиб, 0,01 с қадамни ташкил этади. Кўпайтирувчи коефитсient зилзилаларнинг шкаласи бўйича 7 баллик интенсивликка мосланган ҳолда қабул қилинган. Акселерограмма қимматларининг бир қисми юқорида график ва сонли кўринишида келтирилган. Ҳисоб мобайнida сейсмик тўлқинлар бўйлама, кўндаланг ҳамда вертикал йўналишларда таъсири қиласи деб қаралган. Пештоқ конструкцияси асл ҳамда кучайтирилган ҳолларда кучланганлик-деформатсияланганлик ҳолатлари қуйида келтирилган изополиялар кўринишида келтирилган




1-расм. Мақбара конструкциясининг X йўналишидаги кўчишлари изополяси



2-расм. Мақбара конструкциясининг У йўналишидаги кўчишлари изополяси



3-расм. Мақбара конструкциясининг Z йўналишидаги кўчишлари изополяси



4-расм. Мақбара конструкциясининг эквивалент чўзувчи кучланиш изополяси

Олинган сонли ҳисоб натижалари бўйича мақбара иншооти конструкцияларининг деформатсия-кучланганлик ҳолатларини акс этувчи изополяйларни солиштириш натижасида куйидагилар хуносаларни келтириш мумкин:

- иншоот арка конструкциясига яқин пештоқ конструкциясида 7 балл интенсивликдаги сейсмик кучлар таъсирида ғиштларнинг илашиши бўйича мустаҳкамлиги жавоб бермаслиги аниқланди;
- иншоотнинг конструкциясининг бўйлама X йўналишдаги кўчишлари асл сейсмик кучлар таъсирида 0,0782 см, кўндаланг У йўналишдаги кўчиши 0,0787 см ҳамда вертикал З йўналишдаги кўчиши 0,0597 см бўлган.

- кўчишларнинг кичик қийматда эканлигига сабаб иншоот деворларининг массивлигига деб баҳолаш мумкин;

- иншоот пештоқи ва арка конструксияларидағи таянч қисмларида ғиштли деворлардаги кучланишлар 7 балл интенсивликдаги сейсмик кучлар таъсирида 2,32 kgs/cm^2 , яъни ҚМК 2.01.03-19 "Зилзилавий ҳудудларда қурилиш" меъёрий хужжатининг 3.5.4 бандига асосан сейсмик таъсиirlарга қаршилик кўрсатиш қобилиятига кўра, II тоифали терим учун белгиланган чегаравий қиймат $180 \text{ kPa} > R_t^B \geq 120 \text{ kPa}$ ($1,2 \text{ кгк}/\text{cm}^2$) катта эканлиги аниқланди [4]

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Абдурашидов Қ.С., Кабулов Ф.Р.. Инженерные проблемы архитектурных памятников. Тошкент “Фан” 2009.
2. Абдурашидов Қ.С. Ўзбекистондаги архитектура ёдгорликлари конструксияларининг ҳолати ва келажаги. 2001. ТАҚИ. 16-17 бет
3. Аҳмедов М. , Ўралов А.“ Архитектура ёдгорликларини таъмирлаш ва қайта қуриш”. Дарслик.ТАҚИ. 255.
4. З.Ш Ходжаева, И.И Сабитова . Лира-Визор дастури асосида Сомоний мақбараси статик ва динимик кучлар таъсирига хисоблаш.- GOLDEN BRAIN, 2023. – Т. 1. – № 20, С. 85-91